ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАР ИШИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ.
Ҳар ойда икки марта чиқади.
«Тошкент оқшоми» нашри.

# Маҳалладош

Сентябрь 1990 йил.
№ 17 (30).

Маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашларида

## АҲВОЛ ҚАЛАЙ, АСКАР ЙИГИТ?

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ И. А. Каримовнинг «Жумҳурият ёшларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармони эълон қилиниши кўпчиликни мамнун этди.

Аскарликка кетган йигитларимизнинг тақдири қандай кечмоқда, улар хизматни қай тахлитда ўтказишаяпти? Яқинда ўғиллари армия сафида хизмат қилаётган ота-оналар билан тўпланиб, район ҳарбий комиссариатининг ҳисоботини эшитдик.

Комиссар В. Г. Васильевнинг ҳужжатларида қайд этилишича, баҳорги чақириқ даврида район ёшларидан бир неча юз киши ҳарбий хизматга чақирилган. Шулардан 45 нафари Ҳарбий Денгиз флотида, 30 нафари Ҳарбий Ҳаво Кучларида, 168 нафари қўриқланадиган жанговар қисмларда, 70 нафари қурилиш қисмларида, қолганлари эса турли ҳарбий бўлимларда ўз бурчларини ўташмоқда. Яна шу нарса маълум бўлдики, чақирилган ёшлардан маълум бир қисми ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган. Шулардан 5 нафари даволаниш учун шифохонага жўнатилган. Қолганларичи? Бу саволга комиссар елка қисди. Ота-оналар эса ер чизиб қолдилар.

Маҳалла оқсоқолларини ўйлантирган яна бир муаммо бу қочоқлар масаласи бўлди. Ҳарбий комиссар тилидан айтилган гапларни эшитиш нақадар оғир эканлигини фақат ор-номуси, ҳамияти бор одамгина ҳис қилиши мумкин. Азалдан жанг майдонидан қочиш ўлим билан тенг ҳисобланади. Тинч даврда хизмат қилишдан бўйин товлаган йигит учун уят ўлимдан ҳам оғир. Баҳорда армия сафига жўнаб кетганлардан бир неча нафари қочиб кетган.

— Бунинг сабаби кўп, илдизи чуқур, — деди майор Н. Тальский. — Таълим-тарбияга, жамиятдаги иллатларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Қолаверса армиядаги тартиб-интизомга бориб тақалади.

Қизғин ва ошкоралик руҳида ўтган суҳбатда бошқа фикрлар ҳам билдирилди.

**Н. ҲАСАНОВ,**
**Ҳамза район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси.**

Ҳисобот ва сайловлар

## «Олтинтепа» оқсоқоллари

КУЙБИШЕВ районидаги «Ветеран» томошагоҳида «Олтинтепа—1» ва «Олтинтепа—2» маҳаллалари қўмиталарининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Демократия ва ошкоралик руҳида ўтган мажлисда «Ҳурмат белгиси» ордени соҳиби Саидислом Рустамов «Олтинтепа—1» маҳалла қўмитасининг раиси этиб сайланди. «Олтинтепа—2» маҳалласи саркорлигига эса Карим Дажонов лойиқ деб топилди.

Сўзга чиққан фаоллар келгуси режалар ҳақида ҳам ўз фикрларини баён этишди.

**О. МАХМАЮСУПОВ.**



«Боғ кўча» даҳасидаги Абдулла Тошпўлатовлар хонадонида ажойиб тантана ўтказилди. Хонадон соҳиблари Абдулла ота ва Хайринисе аяларнинг 50 йил бирга турмуш кечиришганини фарзандлари, шунингдек яқинлари қутлашди. Етти фарзанд, ўттиз невара ва олти эварани тарбиялаётган бу кексалар тотувликда умр кечиришяпти.

Д. Аҳмедов сурати.

## ОҚ ЙЎЛ, НИЗОМ!

**Тошкент шаҳар Советининг 7-сессиясида маҳалла қўмиталарининг Низоми тасдиқланиб, қўмиталарга юридик шахс мақоми берилди. Шуни алоҳида қайд этиш кераки, бу ҳужжат амалдаги Низомдан фарқли ўлароқ қайта қуриш талаблари асосида, давр руҳида қайта ишланди. Хўш, унга қандай ўзгартишлар киритилган?**

**— Эндиликда маҳалла қўмиталари пойтахтнинг барча ҳудудларида, жумладан, кўп қаватли уйлар жойлашган даҳаларда ҳам ташкил этилади, — деди Низом лойиҳасини тайёрлашда иштирок этган, Тошкент шаҳар Совети қошидаги маҳалла, уй қўмиталари ва жамоатчилик билан ишлаш комиссиясининг аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Кабир Комилов. — Бундан ташқари қўмиталарнинг молиявий базаси ҳақида махсус бўлим киритилди. Бундан буён қўмиталар ўз мулкига эга бўлишини алоҳида таъкидлаш зарур. Низомнинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири, маҳалла ҳудудларидаги уй-жойнинг олди-сотдиси, қўмитанинг бевосита иштирокисиз ҳал қилинмайди.**

**Қабул қилинган Низом билан чуқур танишиб чиққан киши қўмиталарнинг ҳуқуқий ваколатлари кўп масалаларда кенгайтирилганини англаб олиши қийин эмас. Эндиликда маҳаллалар ўз-ўзини бошқаришнинг ҳақиқий ячейкаси бўлиб қолиши аниқ сезилмоқда.**

**Оқ йўл, Низом!**

С. ШОДИЕВ.

Хушхабарлар

## Ҳар якшанба ҳашар

ФРУНЗЕ районидаги «Ўзбекистон ССР 60 йиллиги» маҳалласининг «Олтой» кўчасида кексалар суҳбат қурадиган ва идиш-товоқлар сақлашга мўлжалланган жой қурилаяпти. Жамоа ҳашар йўли билан бунёд этаётган уйнинг усти ёпилди. Қўмита раиси А. Зоировнинг айтишича, яқин келажакда шахсий автомашиналар учун пулли турар жой очилиб, тушадиган маблағнинг маълум қисми маҳалла жамғармасига ўтказилади.

## Буни келажак кўрсатади

БОБООХУН Салимов маҳалласида кўчаларни асфальтлаш, сув шоҳобчалари ўтказиш, поликлиника, телефон каби ўз ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Ҳамза район ижроия қўмитасининг навбатдаги кўчма йиғилиши шу маҳаллада ўтказилгани бажариладиган ишларга анча ойдинлик киритгандек бўлди. Мажлис қатнашчилари келажакда ҳал қилинадиган, 35 банддан иборат ижтимоий режаларни белгилаб олишди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Ахлоқ-одоб сабоқлари

МАКТАБИМИЗНИНГ юқори синф ўқувчиларидан гуруҳлар тузилиб, маҳалла қарияларига бириктириб қўйилди. Улар «Дархон», «Оққўрғон», «Ойдин» маҳаллаларида иш бошлаб юбордилар. Ёшлар катталарга иззат, кичикларга шафқат кўрсатиш борасида режа белгилаб олишган. Бундан ташқари бошланғич синфлар дастурига ҳафтасига бир марта «Одобнома» дарси қўйилди.

**М. ЖУВОНМАРДИЕВА,**
**Куйбишев районидаги 99-ўрта мактаб ўқитувчиси.**

Обуна давом этмоқда



## Юрак қўримиз сизники

**Азиз муштарийлар!**

**Жажжи рўзномамиз ҳар ойда икки марта хонадонингизга кириб бориб, севимли нашрлар қаторидан ўрин олаётганига ишонамиз.**

**Жойларда «Маҳалладош»га обуна бошланиб кетгани ҳақида муҳарририятимизга хат-хабарлар келмоқда.**

**АЛОҚА БЎЛИМИДА**

Агар ёдингизда бўлса, «Маҳалладош»нинг 30 август сонида «Барча имтиёзлардан маҳрумман...» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда «3-Чарх-Камолон» маҳалласида яшовчи 84 ёшли Қаюм Йўлдошев нафақа ололмаётгани ҳақида фикр билдирилганди. Куни-кеча Октябрь районидаги 159-алоқа бўлими обуна қабул қилувчиси Л. Пимаговадан хушхабар олдик. Мақола муаллифи М. Сулаймонов мақоладан олган қалам ҳақига отахонни «Тошкент оқшоми» ва «Тошкент ҳақиқати» рўзномаларига обуна қилибди.

**МАҲАЛЛАДА**

«Маҳалладош»га обуна бўлиш қизғин давом этаётган шу кунларда Киров районидаги «Янги ариқ» маҳалла қўмитаси ажойиб ташаббус билан чиқди. Маҳалла жамғармаси ҳисобидан 10 нафар уруш ва меҳнат кексалари, пенсионерлар ва фаолларга маҳалла жамғармаси ҳисобидан бепул обуна қилиб бериладиган бўлди. Ана шундай қулайликдан Сафар Шарипов, Холмат Орипов, Нурмуҳаммад Орипов, Шоислом Ғуломов ва бошқалар баҳраманд бўладилар.

**ХОНАДОНДА**

Султонбековлар хонадони Чилонзор районидаги «Чарх-Камолон» маҳалласининг энг зиёли оилаларидан бири ҳисобланади. Бу хонадон аъзолари биринчилардан бўлиб «Маҳалладош» рўзномасига обуна бўлишди. Шунингдек, келгуси йилдан бошлаб «Совет Ўзбекистони», «Комсомольская правда» рўзномалари, «Фан ва турмуш», «Саодат» жаридаларини ҳам олиб ўқийдилар.

— Ўғилларим Азамат, Улуғбек, қизим Лола, умуман барчамиз рўзнома мутолаа қиламиз, — деди хонадон соҳиби Ғайрат ака Султонбеков. — Маҳаллада яшаётганимиз, шунингдек юрагимиздаги гапларни кўтариб чиқаётгани учун алоқа ходими рўзномаларни келтирганда биринчи бўлиб «Маҳалладош»ни қизиқиб қўлга оламиз.

Бизга мактуб йўллабсиз

## Қоронғу кўчалар

ҲУРМАТЛИ муҳарририят! Биз яшаб турган уйларга қўшни 1, 1-А, 2-А ва бошқа қатор кўп қаватли уйлар атрофида ўрта ҳисобда 8-10 тадан симёғочлар ўрнатилган. Бундан ташқари, томлар тепасида ёритгичлар бор. Шу боис кўчалар тунда ҳам худди кундуздагидек чароғон бўлиб туради. Аммо биз яшаётган уйларнинг томида боржўғи битта ёритгич ўрнатилган, холос. Симёғочлар эса анқога шафе. Ҳаммамизнинг фарзандимиз бор. Айримлари корхонанинг тунги сменасида ишласа, бошқалари олий ўқув юртларида ўқишади. Уларнинг тунда ёлғиз қайтишини бир тасаввур қилиб кўринг. Доимо кўчани пойлаб, хавотир олиб ўтиришга мажбур бўлаяпмиз.

1983 йилда маҳалла томошагоҳида ўтказилган йиғилишда жамоамиз томонидан шу масала кўтарилганди. Ўшанда район ижроия қўмитаси вакиллари яқин келажакда уйлар атрофини ёритишга ваъда бериб кетишган эди. Мана, орадан 7 йил ўтди ҳамки, ваъда бажарилмай келмоқда.

«Қорақамиш—2» даҳасидаги 45 ва 45-а уйларда яшовчилар:

**У. БОБОЕВ, Б. КАРИМОВ, З. СОЛИХУЖАЕВ,**
**Жами 35 имзо.**

Акс садо

## Ҳақиқат адолатсизлик ҳисобигами?

«МАҲАЛЛАДОШ»нинг шу йил 9 август сонида Мевазор кўчасида яшовчи пенсионер А. Қурбоновнинг хати эълон қилинди. Мақолада таъкидланишича, 90 ёшли отахонни сарсон қилган бизнинг ходимлар эмаслигини айтиб ўтишни лозим топдик.

Хат муаллифи мебель сўраб мурожаат қилганида райижроком раисининг ўринбосари С. Ғаниева саноат молларини тақсимлаш тўғрисидаги қоидага кўра навбатга туриш лозимлигини тушунтирган. Шундан кейингина қизлари Машкура Қурбонова халқ таълими бўлимига ажратилган мебелни олиши мумкинлиги айтиб ўтилган.

Отахоннинг талон ҳақидаги ахбороти ҳақиқатан йироқдир. Чунки, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг «Хорижда ишлаб чиқарилган мебелларни аҳолига тақсимлаш» тўғрисидаги қарорига кўра дўконлардан бериладиган талонлар фақат тақсимот ишларига жавобгар бўлган маҳаллий ҳокимият вакилига расмийлаштирилган ҳолда етказиб берилади. Бундан ташқари М. Қурбоновага йилнинг III чораги ҳисобидан ажратилган мебель қай йўл билан II чоракда бериб юборилиши мумкин?!

Отахон бизни кечирсинлару, агар бир неча ой мобайнида навбат кутаётганлардан олдин мебелни уларга бериш ҳақида қарор чиқарсак, худди шу киши каби яхши ният билан ойлаб дўкон эшиги тагида ўтирган бошқа кексаларимизга нима деб важ кўрсатар эдик. Шу ўринда рўзномага ҳақиқат сўраб битилган нома остида, айнан адолатсизликка ундовчи талаб қўйилгандек туюлди бизга.

«Маҳалладош»да босилган хат юзасидан асосан шуларни билдиришни лозим топдик.

**Н. РАҲИМБЕРДИЕВ,**
**Собир Раҳимов район Совети ижроия қўмитасининг раиси.**

## Кутилмаган йўловчи

ВАҚТ алламаҳал бўлиб қолганди. Қорасарой бекатига бир такси келиб тўхтади (давлат рақами 59—49 ТНБ, 1-таксопаркка қарашли). Манзилимни айтдим. Ҳайдовчи рози бўлгач, орқа ўриндиққа ўтирдим. Енимдаги 9-10 ёшлардаги эгни яланғоч, фақат битта турсикдаги болакайни ҳайдовчи саволга тутарди:

— Қаерда турасан?

— Ғани Аъзамов маҳалласида.

— Абдулла Набиевдами?

Бола «ҳа» дегандек бош ирғаб қўйди.

Ҳайдовчи яна:

— Уйингда ким бор? Нимага бемаҳалда кўча-кўйда юрибсан, қорнинг ҳам очдир? — деб сўради.

— Уйимда ҳеч ким бўлмагач, кўчага айлангани чиққандим. Қорним эса тўқ, ўн сўм пулим бор эди, — деб жавоб берди бола мағрур.

Машина тим қоронғу кўчага бурилгач, ҳайдовчи болани яна саволга тутди.

— Уйинг қаерда?

— Шу ерда қолдираверинг. Бу ёқларни биламан, ўзим топиб оламан.

— Йўқ, уйингга элтиб қўйиб, катталарнинг қўлига топшираман-да, бир-икки оғиз «гапириб» қўяман.

Бола хоҳламайгина уйи томонни кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам дарвоза қулф эди.

— Энди қаерга борасан? — сўради ҳайдовчи боладан.

— Уйдагилар келгунча шу ерда ўтираман...

Машина катта кўчага чиққач, ҳайдовчи ҳикоя қила бошлади:

— Боланинг отаси қамоқда, онаси касалхонада экан. «Акам билан келинойимнинг қўлида қолганман», дейди. Улар қаерда, деб сўрасам «Келинойим ҳам касалхонада, акам эса тўйга—карнай чалишга кетган», деб жавоб берди. Ёш болани тонг саҳарлаб кўчага чиқариб юбориб... Қачон келаркин деб хавотирланишмайди ҳам.

Наҳотки, шаҳарга донғи кетган Абдулла Набиев маҳалласида шундай воқеага дуч келсак. Болалар ҳозирдан шу куйи кўчаларда санқиб юришса кейинчалик нима бўлади, ҳайронман!

Албатта, маҳалланинг ички ишларига аралашиш одобдан эмас. Аммо қўмита аъзолари оилалардаги таълим-тарбия ишларини кучайтиришлари зарур, деб ўйлайман.

**Д. ЖАЛОЛОВ, журналист.**

Давлат тили ҳақидаги Қонун—амалда

## Янги номлар

**ТОШКЕНТ шаҳар Совети ижроия қўмитаси қошидаги Атамалар комиссияси жойларни номлашда аҳоли талабини инобатга олишга ҳаракат қиляпти. Яқин вақт ичида Қўйлиқ даҳасининг 7-мавзесида бир қанча кўчаларга ном қўйилди.**

⊙ Лойиҳадаги Г—52 кўчаси XIX асрда яшаган шоир ва давлат арбоби Муҳаммад Раҳимжон Соний шарафига Фируз кўчаси деб номланди.

⊙ Лойиҳадаги Г—31,0 кўчасига XIV асрда яшаб, ижод қилган тошкентлик шоир ва олим Бадриддин Шоший номи берилди.

⊙ Бошқа бир номсиз кўча «Адолат» деб номланиб, унинг тармоғига иккита тор кўча бириктирилди.

⊙ XV асрда яшаган мусаввир Моний номи ўша ҳудуддаги янги кўчага берилиб, тармоғига 2 та тор кўча бириктирилди.

⊙ Яна бир кўча «Нозанин» деб аталиб, 2 та тор кўча ҳам унинг тармоғига киритилди.

⊙ «Лутфкор» деб номланган янги кўча тармоғига эса 3 та тор кўча бириктирилди.

**Д. САИДОВ.**



«Маҳалла» дастури—назоратимизда

## Йўлсозлар ҳиммати

Экскаватор катта қийинчилик билан «ковш»ни ерга ботиради. Иш секинлик билан олдинга силжирди. Эҳтиёт бўлинмаса кавланаётган жойдаги бир-бирига туташиб ётган кабелларни узиб юбориш мумкин. Йўл қурилиши участкасининг бошлиғи Ш. Юсупов ва ишчилар ишнинг кўзини билиб, дадил ҳаракат қилишаётгани яққол сезилиб туради. Уларни кузатиб турган «1 Май» маҳалласи фаолларидан бири бошини чайқаб деди:

— Сизларга ҳам осон эмас экан...

Бўлмасамчи. Йўл-қурилиши бригадалари кўчаларни асфальтлаш, бетон новлар ётқизиб, сув келтириш учун бор куч-ғайратларини аяшмаётир. Шу йилнинг 5 ойи мобайнида «Маҳалла» дастурига асосан 200 минг квадрат метр кўча ва тор кўчалар асфальтланди, 1238 метр новлар ётқизилди.

— Бирлашмадан мамнунмиз, — деди Самарқанд дарвозадаги маҳалла қўмитаси раисининг ўринбосари У. Жалолов. — Илгари асфальтни пул йиғиб сотиб олардик. Шунингдек, ишчилар ва техникани ҳам ёллашга тўғри келарди. Энди эса бундай ташвишдан қутулдик.

Йўлсозлар ўз ишларидан қониқишаяптими? «Ҳа» ва «йўқ», деса ҳам бўлаверади. Сабаби, хайрли иш бошланди. Аммо бундан катта кўламдаги режаларни бажариш мумкин эди. Бироқ кўчаларнинг торлиги ва бошқа сабаблар бунга йўл қўймаяпти. Қолаверса, бирлашма участкалари техника ва ишчи кучи билан эндигина комплектлашаяпти.

Акмал Икромов район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш Кенгаши йўл қурилиши олиб боришда яқиндан ёрдам берди. Бошқа жойларда ҳам шундай бўлишига эришиш керак. Акс ҳолда кўпчилик маҳалла қўмиталари ободонлаштиришда ўзибўларчилик пайига тушишаяпти. Яна бир масала. Техниканинг кира олиш имконияти бўлмаган маҳаллаларда ҳашар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

**А. ГОНЧАРОВ,**
**Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари вазирлигига қарашли «Тошкент ободончилиги» бирлашмасининг муҳандиси.**

● **СУРАТЛАРДА: йўлсозлар иш устида.**





Ўрнак олса арзийди

## Собиқ синфдошлар учрашуви

— Очиғи, сизларга қараб туриб ҳавасим келаяпти, — деди йиғилишда сўзга чиққан «Ёшлик» маҳалла қўмитасининг раиси И. Исматов.—Орадан йигирма йил ўтгач бирингиз муаллим, бирингиз муҳандис, яна бирингиз моҳир қурувчи бўлиб етишдинглар. Ўғил-қизларимиз ўрнак олишларини истардим.

«Хиёбон», «Заргар» маҳаллаларининг вакиллари ҳам йиғилганларни қизғин табриклашди. Ўқитувчиларга эсдалик совғалари берилди.

Тошкент районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида ажойиб анъаналар бор. Маҳалла фаоллари ўғилни аскарликка кузатиш, қутлуғ ёшларни нишонлаш ва бошқа маросимларни эсда қоладиган даражада ташкил этишга ҳаракат қилишаяпти. Яқинда эса қишлоқдаги 7-ўрта мактабни бундан 20 йил олдин битириб, қўлига илк бор етуклик гувоҳномаси олган синфдошларнинг учрашуви уюштирилди. Қизиғи шундаки, М. Исоқова ва У. Жўраевалар шу билим даргоҳида ўқитувчилик қилишаяпти. А. Зуфаров, М. Акбаровалар хўжаликнинг илғор ижарачиларидан ҳисобланишади. Қолганлар ҳам турли соҳаларда меҳнат қилишаяпти.

Учрашувда собиқ синфдошлар ўз ҳаётлари ва режалари ҳақида гаплашишди.

**С. АБДУЛЛАЕВ.**

Табиатга чирой бераётганлар

# Яхшининг шарофати

УЛУҒ Ватан уруши тугагач, қўшнимиз Мирсоат ака ҳарбий хизматдан уйга қайтди. Маҳалламизнинг икки ёнидан «Бўзсув» ва айланма ариқлар оқиб ўтар, атрофтик тепаликлардан иборат эди. Мирсоат ака ана шу қия тепаликларга мева дарахтлари, тераклар, толлар экди. Икки-уч йил ўтиши билан машаққатли меҳнат эвазига атроф яшнаб кетди. Ўша кезлар газ йўқ эди. Ўтин, иморатбоп ёғочлар, мева ўзимиздан чиқа бошлади. Ҳусайни узумларни-ку асти қўяверинг.

1973 йилда «Бешқайрағоч» маҳалласига кўчиб бориб, иморат солдик. «Сархумдон»дан келган 10 хонадон қатор бир кўча бўлди. Мирсоат аканинг оиласи ҳам бор эди. У киши қурилиш бораётганда ўз хонадонига жадал кўчат экишни унутмади.

— Мевали дарахт ўтқазинг, тез кунда роҳатини кўрасиз. Вақтни ўтказманглар, — деб ҳаммамизни огоҳлантириб қўйди.

А. Икромов районидаги «Тўқимачи» кўчасига ўша вақтда олча, ўрик, шафтоли, тоғолча, кўк султон, ёнғоқ, бодом, олма дарахтлари қатор экилди. Жами 200—300 метрлик кўчада ҳозир 8 туп балх тути гуркираб ўсмоқда. Йўловчилар болалар ҳосилидан баҳраманд бўлишаяпти.

Мирсоат ака ёнимиздаги боши берк кўчада ҳам тут дарахти кўпайишига сабабчи бўлди. Кўчадан ўтиб борар экан «Ҳой Турсунхўжа, нега бу шохни ўстириб юбординг», «Саидолим, тутни сим билан боғлаб сиқиб қўйибсанку», деб дарҳол камчиликларни айтиб туради.

Мирсоат ака тонгда қушлар билан бирга уйғониб, қўлида ток қайчи билан боғ оралайди. Кези келганда маҳалладошларидан маслаҳатини аямайди.

— Нега ўрикларни териб олиб туршак қилмайсизлар, увол эмасми? Олмаларни қоқи қилинглар. Мана, тутдан шинни қилдик, юракка даво. Жаббор, токингни хомток қилдингми? Мен кўриб қўяман. Тагига пахса деворнинг кесагидан солиш керак. Кўп ўғит куйдириб юборади.

— Лениободдан олиб келиб эккан ўригингиз олдими? — кимдир сўрайди.

— Олди. Кўпайсин, сизларнинг ўригингизни ҳам пайванд қилиб бераман.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, ҳозир кексалик гаштини сураётган Мирсоат Мирюсуповнинг ташаббуси туфайли кўчамиз мевазорга айланиб бормоқда. Яхшининг шарофати шу бўлса керак-да.

**Т. МАҲМУДХЎЖАЕВ,**
**Октябрь районидаги 167-ўрта мактаб ўқитувчиси.**



Тўй айёмига нима етсин!

Ён қўшним—жон қўшним

# Оқибатли кишилар

Халқимизда азалдан бир гап бор: узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшнинг яхши. Дарҳақиқат, боболаримиз жуда билиб айтишган. Ўзбекда нима кўп, тўй кўп, ҳар хил йиғин кўп. Ана шундай кезларда биринчи бўлиб қўшнинг ёрдамга чиқади, нима иш қилиш керак бўлса ҳаммасини бажо келтиради.

Маҳалламизда Қудрат акани жуда ҳурмат қилишади. Сабаби, эл-юртнинг бирон маросими борки, у кишисиз ўтмайди. Тўй-маъракаларда ўзи бош-қош бўлади, ким нима иш қилиши лозимлигини айтиб, ёшларни ишга солади. Айниқса ён қўшнилардан бирон хонадоннинг маъракаси ўтадиган бўлса, ҳатто уй-жойини улар ихтиёрига бериб қўяди.

Қудрат ака яқинда ўғил уйлантирди. Бутун маҳалла у кишиникида хизматда бўлди. Ёшу қари ўзига яраша вазифани адо этди.

Айтмоқчиманки, эл-юрт хизматида бўлган одам асло кам бўлмайди. Шундай пайтларда ўзига қайтади. Қўни-қўшнилар ўртасидаги меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди. Қудрат ака Зоидовга ўхшаган қуда-анда кўрган, эл ташвиши билан яшайдиган фидойи инсонлар ҳар бир маҳаллада бор. Шулардан ибрат олайлик, ёшлар ўрганишсин. Зеро бу ҳам халқимизнинг ажойиб удумларидан.

**П. НИШОНОВ,**
**Киров район, «Юнусобод» маҳалласи М. Қориев кўчаси.**

Бу нола—кимга ҳавола?

# Маданият уйими ёки...

Муҳарририятга хат

**Биз истиқомат қиладиган мавзеда «Дўстлик» маданият уйи жойлашган. Бу масканнинг иши бизни мутлақо қониқтирмаяпти. Сабаби, шу пайтгача маҳаллада ҳеч қандай тадбир уюштирилгани йўқ. Бунинг устига бадиий ҳаваскорлик ва бошқа тўгараклар асосан рус тилида олиб борилади.**

**А. ТЎХТАСИНОВ,**
**О. САЛИМОВ.**
**Жами 10 имзо.**

Юнусобод даҳаси, 15-мавзедаги «Бахт» маҳалласи жамоасидан келган бу шикоят хатини текшириб кўриш учун маданият уйида бўлдик. Зиё маскани аслида дўкон ёки омборга мўлжаллаб қурилган пастаккина, кўримсиз бинода жойлашган экан. Бунинг устига теварак-атроф қаровсиз аҳволда, бир томонда ахлат уюми. Агар эшик тепасидаги «Дўстлик» маданият уйи» деган лавҳа олиб ташланса шундай нуфузли ташкилот жойлашганига ишонмай қоласиз.

Ичкари кирдик. Бурчакдаги хонада 3 аёл суҳбатлашиб ўтирган экан. Муддаомизни билгач, ўзини директор деб таништирган О. В. Чиннова ҳасрат дафтарини очди:

— Мана шу тор жойда ишлаётганимиз учун раҳмат ўрнига доимо дакки эшитамиз. Бутун Юнусобод даҳаси учун битта маданият уйи. Керакли жиҳозлар етишмайди. Олиб келсак қўйишга жой йўқ.

Ольга Викторовна билан суҳбатда 16 та тўгарак фаолият кўрсатаётгани, шулардан 4 таси миллий эканлигини билиб олдик. Бундан ташқари бу маскандаги бирорта ҳужжат, шиор ва эълонлар ўзбек тилида ёзилмаган. Биргина «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» маҳалласида 10 минг аҳоли яшайди. 70 фоизи туб миллатга мансуб кишилар. Шуни эътиборга олсак, юқорида ёзилган шикоят ўринли деса бўлади.

Айни пайтда «Дўстлик» миллий дастасига раҳбарлик қилаётган Алижон Иброҳимовни суҳбатга тортдик.

— Шу атрофдаги маҳаллаларнинг тўй-ҳашамларига ҳам хизмат кўрсатаяпсизларми?

— Ҳа, албатта, буюртма беришса...

— Ўзбекчилик бўлса, тўй ёки ҳашарларга бормайсизларми?

— Биз хўжалик ҳисобида ишлаймиз. Шунинг учун аввал пул ўтказилиши керак.

Тўғри, маданият уйи хўжалик ҳисобида, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаши керак. Ходимларга ҳам келган даромадга қараб маош тўланади. Аммо маҳалла учун ҳам жон куйдириш шарт-ку. Чунки маданият масканининг жонажон вазифаси биринчи навбатда теварак-атрофда яшовчиларга хизмат кўрсатишдан иборат. Хўш, маҳаллалар билан тадбирлар ўтказилаяптими? Бизга бир даста ҳисобот ёзилган ҳужжатларни пеш қилишди. Ҳаммаси рисоладагидек. Аммо...

— Мен кўп йиллардан бери маданият уйи жойлашган «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» маҳалласи қўмитасига раислик қиламан, — деди Эгамназар ака Қодиров. — Шу пайтгача бу жойдан бирорта вакил келиб, тадбир ўтказганини эслолмайман. Ҳатто директорни танимаймиз. Менимча, аввало қўмита аъзолари, фаоллар билан бамаслаҳат режалар белгиланиши керак. Маданият уйида эса ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир қиладиган видеофильмлар қўйишга эътибор қаратилади, холос.

Хулоса шуки, бу маданият маскани аҳолининг маданий савиясини ошириш учун етарли фаолият кўрсатмаяпти. Қайси жойда бўлмасин, фақат даромад топиш йўлига ўтиб олган. Ўйлаймизки, Киров район маданият бўлимидаги мутасадди ўртоқлар бинони таъмирлаш ва маданият уйи ишини қайта қуриш талаблари асосида ташкил этишга эътиборни қаратадилар.

**С. ШАМСИДДИНОВ.**

Тоживой тажанг шаҳар кезади



# Дастаксиз телефонлар

БОШ Универсал магазинидан чиқиб Хадра майдони тарафга кетаётган эдим. Ярмаркадаги дўконлардан бирига кирмоқчи бўлиб турганимда, бирдан одамлар безовталаниб қолди. Қарасам бир киши бетоб бўлиб, ҳолсизланганча устунга суяниб турибди. Рўпарадаги «Таксофон»дан «Тез ёрдам» чақирмоқчи бўлдим. Бирининг дастаги йўқ, иккинчисининг рақам терадиган жойи ўпирилиб ётибди, учинчиси эса мутлақо яроқсиз ҳолга келиб қолган.

— Шаҳардаги кўча телефонларининг аҳволи сира ўзгармади, ўзгармади-да, — деди бир йигит хуноб бўлиб турганимни кўриб.

Ҳайтовур савобталаб бир киши беморни машинасига солиб, касалхонага олиб кетди. Шаҳар телефонлаштириш бошқармасига сим қоқай дедим. Аммо «Таксофон»лар савлатга қурилганлиги ёдимга тушиб, бир энли хат ёзишга киришдим...

**Тоживой акага жияни С. БАДРИДДИНОВ ҳамроҳ бўлди.**

Оила иқтисодиёти

# Чиқимни камайтириш мумкин

— 5 килограмм картошка олиш учун Олой бозорига боришга мажбур бўлдим.

— Хафа бўлманг биродар, мен ҳам мих қидириб қанча вақтимни беҳуда кетказдим...

Шу кунларда Файзулла Хўжаев номидаги 11-мавзега қарашли «Победа», «Левитан», «Суворов», «Бабушкин» каби кўчаларда бўлсангиз ана шундай суҳбатнинг гувоҳи бўласиз. Ҳозирги кунда бу мавзе ва Академиклар шаҳарчасида 35 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Илгари шу жойда бозорча бўлиб, унинг атрофида озиқ-овқат маҳсулотлари, мебель, қурилиш жиҳозлари, пойафзал билан савдо қилувчи магазинлар бор эди. Бундан 3-4 йил бурун кўпқаватли уйлар қурилаётганда бозорча ва савдо шохобчалари бузиб ташланди. Шуниси ачинарлики, ҳанузгача янгиси қурилгани йўқ.

Маҳаллада яшовчи одамлар ўз томорқаларида узум, олма, шафтоли ва бошқа ноз-неъматларни етиштиришади. Энди уларни қаерда сотишни билмай, бошлари қотаяпти. Оворагарчиликларни айтмайсизми? Қурилиш қилаётган киши биргина михни қидириб икки-уч бекат наридаги хўжалик моллари магазинига бораяпти. Қурилиш жиҳозларини узоқдан ташиб келтириш учун эса кира ҳақи тўлаш керак. Бунинг устига керакли нарса бир бўлади, бир бўлмайди. Бозорга бораётганлар қайта-қайта келишдан эриниб, беш килограмм ўрнига 10 килограммлаб маҳсулот сотиб олишга мажбур бўлишаяпти. Бу эса баъзан исрофгарчиликка олиб келаяпти. Бир сўз билан айтганда, бозорча ва дўконларнинг йўқлиги одамларнинг ҳамёнига зарар келтирмоқда.

Чиқимни камайтириш мақсадида Морозов кўчасидаги бўш ётган майдонга бозорча қуриб беришни сўраб Куйбишев район Совети ижроия комитетига мурожаат қилдик. Афсуски, ҳанузгача ижобий жавоб ололмаяпмиз. Маҳалладошлар эса ҳамон олисга қатнаб, ҳамёнга зарар келтириш билан бирга вақтларини беҳуда сарфлашаяпти.

**А. МУСАБЕКОВ,**
**иқтисод фанлари номзоди, доцент.**

Маҳалладош

ГАЗЕТА ТАШКЕНТСКОГО ГОРОДСКОГО СОВЕТА ПО КООРДИНАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАХАЛЛЯ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй, Телефонлар 32-53-66, 33-99-42, 32-54-15.

ЖАМОАТЧИЛИК ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.

